1. Шоир ижодини том маънода илмий ўрганиш фақат XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди.

2. Амир Хусрав Деҳлавий барча асарларининг илмий-танқидий матни яратилмади.

3. Амир Хусрав Деҳлавий ижодини ўрганиш бўйича «марказ» иши тўхтаб қолди.

4. Хусравшуносларнинг режа бўйича олиб бораётган тадқиқотлари рубоийларгача етиб келмади.

5. Шоир рубоийлари жуда оз миқдордагина нашр қилинди.

Шу боис, Амир Хусрав Деҳлавий рубоийларининг ўрганилиш тарихи, фаолияти билан яқиндан танишиш, рубоийларидаги бадиий маҳоратнинг янги қирраларини кашф этиш долзарб аҳамиятга эга. Ҳолбуки, рубоий шоирнинг дунёқарашини ифодаловчи ўзига хос хусусиятларга эга бўлган жанр ҳисобланади. Зотан, у қайнаб-тошиб чиқаётган илҳомнинг, жўшқин таассуротнинг мевасидир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Shomuhamedov SH., Musaev B. Amir Xusrav Dehlaviy. – T.: Fan, 1971.

2. Baqoev M. Hayot va ejodiyoti Xusravi Dehlaviy. – Dushanbe: Donish, 1975.

3. Aliev G.YU. Persoyazichnaya literatura Indii. – M., 1968 , s. 49 – 65.

4. Baqoev M. Xusrav Dexlevi i yego poema «Duvalroni va Xizrxon», AKD. – Stalinobod, 1957, s.19.; Baqoev M. Hayot va ejodiyoti Xusravi Dehlaviy. – Dushanbe: «Donish», 1975; Bertel`s YE.E. Chetverostishie sheyxa Najmeddina Kubra, - DRAN, 1924, s.36 – 39; Imomnazarov M. Iz opita sostavleniya slovarya yazika Amira Xosrova. – V sb.: «Amir Xosrov Dexlevi», – T.: 1978; Yo‘ldosheva S. Xarakteristika sravneniya v poeme «Hasht behesht» Amir Xosrova Dexlevi. – V sb.: «Amir Xosrov Dexlevi». – T., 1975, s. 139–147; Munirov Q. Amir Xusrav Dehlaviy asarlarining qo’lyozmalari. –T.,1975; Musaev B. Amir Xusrav Dehlaviy va Alisher Navoiy. «Sharq yulduzi» jurnali. – T., 1968; To‘ychieva G. O metrike gazeley divana «Tuxfat as-sigar» Amir Xosrova Dexlevi. 1987.

5. Kozmoyan A.K. Ruboi v klassicheskoy poezii na farsi (X–XII vv.). – Yerevan, 1981.

6. دانشنامه ادب فارسی. جلد اول. تهران ’۰۸۳۱ ص ۱۴۰۱

Shukhrat MIRZIYATOV
PhD, Tashkent State institute of Oriental Studies
E-mail: shoxrux-mirzo@mail.ru

ЗАМАХШАРИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ТАРИХНАВИСЛИГИ

ИСТОРИОГРАФИЯ НАУЧНОГО НАСЛЕДИЯ ЗАМАХШАРИ

HISTORIOGRAPHY OF SCIENTIFIC HERITAGE OF ZAMAHSHARI

Калит сўзлар: *«Муқаддамату-л-адаб», «Адаб илмига кириш», «Муфассал», лексикология, арабча-форсча-туркий луғат, идеографик луғат, товушлар талаффузи, араб тилидаги флексия, назм ва наср.*

Ключевые слова: *«Мукаддамату-л-адаб», «Адаб илмига кириш», «Муфассал», лексикология, арабско-русско-туркский словарь, идеографический словарь, произношение звуков, флексия арабского языка, поэзия и проза.*

Key words: *«Mukaddamatu-l-adab», «Enter to the study Adab», «Mufassal», lexicology, Arabic-Persian-Turkic vocabulary, graphic vocabulary, pronunciation of vowels, inflexion in Arabic, poetry and prose.*

Маҳмуд Замахшарийнинг илмий мероси тадқиқи том маънода Ўзбекистон мустақиллиги йилларидан бошлаб кун тартибидан жой олди. «Муқаддамату-л-адаб»нинг форсий ва туркий сўзлик киритилган нусхалари ўзбек тарихий лексикологияси, жумладан, лексикографияси учун жуда қимматлидир, чунки ундаги туркий сўзларнинг ҳам арабча, ҳам форс-тожикча муодилларининг бўлиши уларнинг маъносини тўғри аниқлашда катта ёрдам беради[1].

Маълумки, А.Рустамов биринчилардан бўлиб Маҳмуд Замахшарий ва унинг «Муқаддамату-л-адаб» асари ҳақида маълумот берувчи рисола яратган[2]. Мазкур рисолада Замахшарийнинг ҳаёти ва ижоди, асарлари ҳақида берилган маълумотлардан ташқари, тилшунослик ва адабиётшунослик соҳасига қўшган ҳиссалари баҳоланади, олимнинг фалсафаси баён этилади. Шунингдек, олимнинг арабча девони ва бадиий насри ҳақида ҳам ахборот берилган. Рисола сўнгида 1971 йилда польшалик машҳур

[1] Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. (Маҳмуд Замахшарий. «Олтин шодалар» китоби сўз бошиси). –Т.: EXTREMUM PRESS, 2010. Б.15.

[2] Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. – Т., 1971.

Мақола таниқли мутафаккир Маҳмуд Замахшарий асарлари, рисолалари таҳлили ва олим меросининг Ўзбекистонда ўрганилиш тарихига бағишланган. Маҳмуд Замахшарий илмий меросини тадқиқ қилиш том маънода Ўзбекистон мустақиллиги йилларидан бошлаб кун тартибидан жой олди. «Муқаддамату-л-адаб»нинг форсий ва туркий сўзлик киритилган нусхалари ўзбек тарихий лексикологияси, жумладан, лексикографияси учун жуда қимматлидир. Унда туркий сўзларнинг ҳам арабча, ҳам форс-тожикча муодиллари борлиги сўзлар маъносини тўғри аниқлашда катта ёрдам берган.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг Ўзбекистонда ўрганилиш ҳолатини таҳлил қилиш, мазкур асарнинг тил тарихига оид барча манбаларда қимматли асар сифатида эътироф этилиши ушбу мақолада яққол намоён бўлади. Шу билан бирга, Замахшарий ижодини ўрганишга ўз ҳиссасини қўшган қатор олимларнинг илмий изланишлари таҳлил қилинади. Эришилган ютуқ ва камчиликлар ҳақида фикр ва мулоҳазалар баён этилади. Мақоланинг асосий қисми эса бугунги кунга қадар тадқиқ этилмаган «Муқаддамату-л-адаб»нинг туркий сўзлик киритилган энг қадимий Ёзгат-Хоразм қўлёзмасининг манбашунослик, луғатшунослик, тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлили ва унинг бошқа қўлёзма нусхалари ичида устун тарафларини очиб беради.

Шунингдек, мақолада А.Рустамов, Ғ.А.Абдураҳмонов, А.Алиев, У.Уватов, З.Исломов, М.Ю.Ҳакимжонов, М.Носирова, Қ.Содиқов, И.Қўчқортоев, В.В.Бартольд, А.Е.Бертельс, Ф.Дорнзайф, Н.Сулаймонова, Б.Турдиалиев, А.А.Болтаевларнинг Маҳмуд Замахшарий илмий меросини ўрганиш бўйича олиб борган тадқиқотлари таҳлил қилинган.

Статья посвящена истории изучения в Узбекистане научных трудов, трактатов и наследия известного мыслителя Махмуда Замахшари. Исследование научного наследия Махмуда Замахшари началось с первых лет независимости Узбекистана. Экземпляры «Мукаддамату-л-адаб», в которые включены персидский и тюркский словники являются очень ценными материалами для узбекской исторической лексикологии, в том числе, и для лексикографии. Наличие арабских, персидско-таджикских эквивалентов тюркских слов способствовало точному определению их значений.

Анализ состояния изучения «Мукаддамату-л-адаб» в Узбекистане, признание данного научного труда во всех источниках относительно истории языка в качестве ценного произведения ясно показаны в данной научной статье. Вместе с тем, в статье проанализированы научные исследования ряда ученых, которые внесли достойный вклад в изучение творчества Замахшари, изложены мнения и предложения о достижениях и недостатках. Комментарии и комментарии о достижениях и недостатках. В основной части статьи с точки зрения источниковедения, лексикографии и языкознания проанализирована самая древняя Ёзгатско-Хорезмская рукопись произведения «Мукаддамату-л-адаб», в которую включен до сих пор не исследованный тюркский словник, освещены её преимущественные стороны среди других рукописных экземпляров.

Также, в настоящем исследовании проанализированы научные исследования таких известных ученых, как А.Рустамов, Г.А.Абдурахмонов, А.Алиев, У.Уватов, З.Исломов, М.Ю.Хакимжонов, М.Носирова, К.Содиков, И.Кучкартаев, В.В.Бартольд, А.Е.Бертельс, Ф.Дорнзайф, Н.Сулаймонова, Б.Турдиалиев, А. А.Болтаев и др. по изучению наследия Махмуда Замахшари.

The present scientific article is devoted to the history of study of works of well-known thinker Mahmud Zamakhshari, analysis of his treatises and his scientific heritage in Uzbekistan. The study of Mahmud Zamakhshari's scientific heritage has been placed on the agenda after the independence of Uzbekistan. Persian and Turkish versions of "Muqaddamatu-l-adab" are valuable for Uzbek lexicology, including it's lexicography. The presence of Turkic words with both Arabic and Persian-Tajik equivalents was very important and useful in definition their true meanings.

This article clearly shows that the study of "Muqaddamatu-l-adab" in Uzbekistan is really valuable work in all sources of language history. At the same time, a number of scientists have contributed to the study of Zamaxshari's creative works. Comments and comments on the achievements and disadvantages. The main part of the article explains the superior aspects of the ancient Turkic word "Muqaddamatu-l-adab", which has not been studied so far, in terms of sources, linguistics, linguistic analysis and other manuscripts of the oldest Yozgat-Khorezm manuscript.

Scientific researches of well-known scientists such as A. Rustamov, G. Abdurahmanov, A. Aliev, U. Uvatov, Z. Islomov, M. Yu. Hakimjonov, M. Nosirova, Q. Sodiqov, I. Kochchortoyev, V. V. Bartold, works of E. Bertels, F. Dornzayf, N. Sulaymonova, B. Turdialiev, A. A. Boltaev on the study of the heritage of Mahmud Zamakhshari have been analyzed in the article.

олим Зайончиковский томонидан Варшавада чиқадиган «Рочник ориенталисталистичин» (Шарқшунослик солномасида) нашр этилган «Муқаддамату-л-адаб»нинг Истанбулда топилган нодир бир қўлёзмаси нусхасидаги ҳайвон номларига бағишланган боби сўзлиги ўзбекча ҳарфлар билан берилади. Айрим ўринларда муаллиф Зайончиковский нашр эттирган сўзликдаги баъзи товушлар

талаффузи, ёзилишига ўз муносабатини билдириб ўтади, польшалик олимнинг нусхасидаги ёзилишини сақлаб қолган ҳолда, аслида қандай кўринишда бўлиши кераклигини қайд этади. А.Рустамов айни чоғда арабча сўзларнинг бошқа шаклларини ҳам иқтибос сифатида илова этади, баъзан сўзларнинг маъносига изоҳ беради.

Ўзбек тилшунослари, хусусан, луғатшунослари томонидан Маҳмуд Замахшарийнинг фан олдидаги хизматлари доимо эътироф этиб келинган. Зеро, аввал таъкидланганидек, араб тили, араб тилшунослиги ва луғатшунослиги туркий тилларнинг тараққиёти ҳамда луғатшунослиги ривожига катта таъсир ўтказган. Хусусан, Ғ.А.Абдураҳмонов туркий тиллар, чунончи ўзбек тилининг ўрганилиши борасида ўз фикрларини баён этиш чоғида, Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» арабча-форсча-туркий луғат тузганлигини, мўғуллар даврида луғат мўғулча сўзлар билан тўлдирилганлигини қайд этади.

А.Алиев, Қ.Содиқовлар эски туркий тилнинг муҳим ёзма ёдгорлик- ларидан яна бири сифатида «XI асрнинг охири XII асрнинг бошларида яшаб ижод этган хоразмлик олим Маҳмуд ибн Умар Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» (*«Адаб илмига кириш»*) номли асаридир» – деб кўрсатишади[3].

И.Қўчқортоев ўз даврининг етук тилшуносларидан бўлган Замахшарий араб тилшунослиги анъаналарини давом эттиргани, унинг илғор принцип ва усулларидан моҳирлик билан фойдаланганини тан олади. Араб лексикографиясининг тематик принципи унинг қатор асарларида қўлланган бўлиб, бу принцип Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асарида ҳам ишлатилганлигини баён этади.

Олимнинг фикрига қараганда, Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асари фақат араб тили ва тилшунослиги тарихини ўрганиш жиҳатидангина эмас, балки туркий халқлар тиллари тарихини ўрганиш жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

В.В.Бартольднинг кўрсатишича, Маҳмуд Замахшарий луғатининг туркча қисмида XII–XIII асрлар Ўрта Осиё туркий адабий тилининг лексикаси акс этган.

Ё.Абдурасулов туркий тиллар қиёсий-тарихий грамматикасини ўрганиш масаласи билан шуғулланар экан, қуйидагиларни қайд этади: «Тилшунослик соҳасидаги Замахшарий илмий меросининг кўпчилиги араб тили таҳлилига бағишланган бўлса ҳам, унинг «Муқаддамату-л-адаб» асари ўша давр туркий қабила ва элат тиллари ҳақида ҳам маълум маълумотларга бой асар бўлган. Асарда арабча сўзларнинг форсча, туркий, мўғулча ва ҳатто хоразм тили асосида ҳам изоҳланиши ўтмиш туркий тиллар қиёсини ўрганиш учун ҳам қимматлидир»[4].

Араб лексикографияси тарихини тадқиқ этиш борасида илмий изланиш олиб борган олим А.Е. Бертельс Маҳмуд Замахшарийнинг луғати ҳамда немис олими Ф.Дорнзайфнинг орадан 8 аср ўтиб тузилган идеографик луғатини қиёслар экан[5], уларда тушунчаларни мавзуий гуруҳларга ажратиш услублари ўртасидаги бир хилликларни аниқлаган, ушбу икки луғатни фарқловчи жиҳат сифатида «Муқаддамату-л-адаб»нинг икки тилли эканлигини қайд этган эди.

Ўзбекистонда Маҳмуд Замахшарий ижодининг илмий тадқиқ этилишида М.Носированинг номзодлик диссертацияси, хусусан, қатор илмий мақолалари алоҳида ўрин тутади. Тадқиқотчининг номзодлик иши Маҳмуд Замахшарийнинг араб бўлмаган халқларга араб тилини осонроқ, соддароқ тарзда ўргатишга мўлжалланганлиги боис халқ орасида шуҳрат қозонган «Унмузаж фи-н-наҳв» рисоласи тадқиқига бағишланган[6]. Олима Замахшарий грамматик рисоласининг лингво-текстологик таҳлилини амалга ошириш ҳамда «Унмузаж фи-н-наҳв» асарининг Тошкент нусхалари асосида қиёсий матнини тузиш ва таҳлил этишни мақсад қилади. Айни мақсадда асарнинг қиёсий матнини тузиш принциплари ишлаб чиқилади, «Унмузаж фи-н-наҳв» матншунослик ва манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганилади. Тадқиқот натижасида «Унмузаж фи-н-наҳв»нинг қиёсий матни тузилган бўлиб, илмий таҳлил этилган. М.Носирова асар қиёсий матнини ўрганишда қуйидаги усуллардан фойдаланган: асар мазмунига таъсир этувчи фарқлар ва нусхалардаги имловий фарқ ва сакта-

[3] Алиев А, Содиқов Қ.. Ўзбек адабий тили тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б. 29.

[4] Абдурасулов Ё. Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси. Тошкент: ТерДУ, 2008.

[5] Қаранг: Бертельс А.Е. О происхождении рубрик тематических (идеографических) словарей. - В кн.: Переводная и учебная лексикография. – М.: Русский язык, 1979. С. 23.

[6] Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-унмузаж фи-н-наҳв» рисоласи – араб тили грамматикасига оид асар: Филол. фан. ном. ... дис. автореферат. Т., 2003. 30 б.

ликлар[7]. Асар нусхалари матнининг таҳлилида соддадан мураккабга принципига амал қилинган. Дастлаб ҳарфлардаги, сўнг сўзлар, сўз бирикмалари ва гаплардаги тафовутлар тадқиқ этилган, нотўғри кўчирилган, деб тахмин қилинган вазиятлар таҳлил қилинган.

М.Носированинг диссертациясида асарнинг Россия ФА Шарқшунослик институти, Миср, Туркия, Британия, Германия, Сурия, Доғистон, Озарбайжон қўлёзма фондларида сақланаётган 60га яқин қўлёзма нусхалари ҳақида ҳам маълумот берилган бўлса-да, аммо асарнинг қиёсий матни Тошкентда сақланаётган 7 та қўлёзма ва 3 та босма нусхаси асосида тузилган.

Тилга олинган тадқиқотда илк бор араб тилидаги грамматик асарда баён қилинган синтаксис ва морфология масалалари илмий асосда таҳлил қилинган бўлиб, асар ҳозирги араб тилшунослиги нуқтаи назаридан тадқиқ этилган. Шу сабабли диссертациянинг учинчи боби «Ал-Унмузаж фи-ннаҳв» асарида араб тили грамматикаси, тўртинчи боби морфологиясининг ёритилиш принципларини ўрганишга бағишланган. Мазкур бобларда араб тилидаги флексия, исмий жумла, эга ва кесимнинг мослашуви, ҳол, аниқловчи-аниқланмиш, воситасиз тўлдирувчи, ўрин-пайт ҳоллари, биргалик тўлдирувчиси, сабаб-мақсад ҳоли, ҳолат ҳоли, чеклаш ҳодисаси, исм сўз туркуми, масдар, сифатдош, феълнинг майл ва замон шакллари, «ҳарфлар»[8] каби тил ҳодисалари таҳлил қилинади.

Маҳмуд Замахшарий «Асосу-л-балоға»сининг манбашунослик тадқиқига бағишланган Н.Сулаймонованинг номзодлик диссертациясида ушбу асарнинг[9] таркибий таҳлилини амалга ошириш ҳамда унинг қўлёзма ва босма нашрларини манбашунослик жиҳатдан тадқиқ қилиш мақсад қилинган. Тадқиқотчи «Асосу-л-балоға»нинг дунё фондларида сақланаётган қўлёзма ва нашр нусхаларини аниқлаб, уларни таҳлил этади. Ишда араб луғатшунослиги тарихида «Асосу-л-балоға»гача яратилган луғатларнинг таснифий таҳлили амалга оширилади ҳамда тадқиқот объекти бўлган асарнинг араб луғатшунослигида тутган ўрни таҳлил этилади. Бундан ташқари, асарга асос бўлган манбалар Қуръон, ҳадислар, фразеологизмлар, мақоллар, шеърий парчаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Тадқиқот учун «Асосу-л-балоға»нинг Байрут нашри (1998), шунингдек, Туркиянинг Сулаймония кутубхонасида мавжуд бўлган йигирма икки нусхаси танланган. Диссертация кириш, асосий уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Биринчи бобда тадқиқотчи «Асосу-л-балоға»гача араб луғатшунослигида яратилган луғатлар, луғат ишининг юзага келиш сабаблари, луғатнинг таркиби, тузиш принциплари, хусусан, «Асосу-л-балоға» асарининг нусхалари, араб луғатшунослигида тутган ўрни, асар Байрут нашрининг ўзига хослиги каби масалаларга тўхталади. Н.Сулаймонова Замахшарийнинг мазкур асари воситасида араб луғатшунослиги соҳасига киритган янгиликларига ҳам тўхталади. Жумладан, унинг фикрига кўра, мазкур луғатда жорий қилган ютуқлардан бири сўзларни уларнинг барча ўзак ундошларини ҳисобга олган ҳолда қатъий алифбо тартибида жойлаштирилганлигида кўринади. «Асосу-л-балоға»да бош сўзлар ундаги биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи ўзак ундошларини ҳисобга олган ҳолда, алифбо тартибида жойлаштирилган[10]. «Асосу-л-балоға» асарида Замахшарийнинг яна бир янгиликка қўл ургани қайд этилади. У луғатдаги сўзларни ўша даврда истеъмолда бўлган жумлалар ва иборалар таркибидан ажратмаган ҳолда беради.

Замахшарийнинг грамматик меросини ўрганишга оид бир қатор мақолалар ҳам эълон қилинган. Хусусан, Б.Турдиалиевнинг араб наҳвидаги тобе сўзлар ҳамда «إنّ – *ʾинна*» юкламасининг исмий кесимда қўлланилиши масалаларига бағишланган мақолалари шулар жумласидандир[11]. Мазкур мақолаларнинг биринчисида араб тили синтаксиси масалаларидан бири бўлган «тобе сўзлар»нинг ифодаланиши ва уларнинг гапдаги синтактик-функционал хусусиятлари таҳлил қилинган. Ушбу мавзу асл араб манбалари асосида, хусусан, ўрта асрлар наҳвшунос олимлари Сибавайҳининг «Китабу Сибавайҳи» ва Маҳмуд Замахшарийнинг «Муфассал» асари ҳамда XX аср тилшунос олими

[7] Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-унмузаж фи-ннаҳв» рисоласи – араб тили грамматикасига оид асар. Б.13.

[8] Араб тилида алоҳида ишлатилмайдиган, маъноси бошқа сўзлар билан бирикиб келгандагина англашиладиган ёрдамчи сўз ёки қўшимчалар «ҳарф» дейилади.

[9] Сулаймонова Н. Маҳмуд Замахшарий «Асос-ул-балоға»сининг манбашунослик тадқиқи. Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 2007.

[10] Ўша автореферат. 8-б.

[11] Турдиалиев Б. Частица «إنّ» и ее влияние на именное сказуемое// Востоковедение. 2010. № 1-2. С. 35-43; Турдалиев Б. Араб наҳвидаги тобе сўзлар бўйича ўрта аср тилшунос олимларининг назарий қарашлари/ Шарқшунослик. 2013. №2. 3-16-б.

Мустафо Ғалайинийнинг «Жамиу-д-дурусу-л-арабиййа» китоби асосида ўрганилган. Б.Турдиалиев араб тилидаги «тобе сўзлар» мавзуси остида унинг турлари бўлмиш «таъкидловчи аниқловчи», «мослашган аниқловчи», «изоҳловчи ўрнидаги исм», «аниқловчи изоҳловчи» ва «уюшиқ бўлаклар» тўғрисидаги маълумотларни таҳлил этган.

Б.Турдиалиевнинг иккинчи мақоласи араб тили синтаксисининг муҳим масалаларидан бири бўлган «إنّ – *’инна*» юкламасининг исмий кесимда қўлланилиши ва унинг кесимга таъсири масаласига бағишланган. Ушбу мақолада ҳам қайд этилган юклама ўрта асрларнинг буюк тилшунослари Сибавайҳи, Маҳмуд Замахшарий ва Мустафо Ғалайинийнинг юқорида тилга олинган китобларидан ташқари Камал ад-дин ал-Анбарийнинг «ал-Инсаф» асари ҳам манба сифатида олинган. Тадқиқотчи араб тилшуносларининг китобларида «إنّ – *’инна*» юкламасининг ўзига хос хусусиятлари, вазифалари, матнда, айниқса, исмий жумлада қўлланилиши, контекстда ифодалаш имконияти мавжуд бўлган маъноларга оид фикрларини келтириб таҳлил этган ва уларни солиштирган. Шунингдек, мазкур юкламанинг исмий жумла кесимига бўлган таъсири масаласи бўйича тафовутли, қарама-қарши бўлган Басра ва Куфа мактаблари намояндалари мулоҳазаларига алоҳида диққат қаратади.

Замахшарийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари бўйича ҳам махсус тадқиқот амалга оширилганлигини қайд этиш зарур. А.А.Болтаевнинг номзодлик диссертацияси[12] Замахшарийнинг бой илмий мероси, ундаги жамият равнақи, ижтимоий тараққиётга хизмат қилувчи, бугунги янги давр давлатчилигимиз бошқаруви ва сиёсий тизими манфаатлари билан уйғунлик касб этувчи қимматли фикрларини тадқиқ этиш ҳамда сиёсатшунослик фани нуқтаи назаридан тизимли таҳлил этишга қаратилган. Тадқиқот учун манба сифатида Замахшарийнинг «Навобиғ ул-калим», «Рабиъу-л-аброр ва нусусу-л-ахбор», «Атвоқу-з-заҳаб» каби асарлари танланган. Тадқиқотчи Замахшарийнинг давлат ва жамият, уни бошқарув усуллари тўғрисидаги сиёсий қарашларини аниқлаганлигини, Замахшарий ҳаёти, фаолияти, унинг сиёсий ғоя ва тушунчалари ҳамда қарашларининг бугунги кундаги назарий ҳамда амалий аҳамияти кўрсатиб берилганлигини эътироф этади. Хусусан, диссертацияда Замахшарийнинг сиёсий қарашлари асосий йўналишлари қуйидагича белгиланган: а) давлат ва сиёсий тузумга оид; б) ҳукмрон доираларга оид; в) уруш ва низоларга оид; г) кенг халқ оммасига оид[13]. Диссертациянинг алоҳида бобида жамиятда адолат билан иш юритиш тўғрисидаги ғоя ва қарашларга диққат қаратилган бўлиб, мутафаккир олимнинг сиёсий мўътадиллик, ижтимоий адолат, умуминсоний қадриятларга бўлган муносабати ёритиб берилади.

Замахшарийнинг ҳаёти ва ижоди, хусусан, унинг «Навобиғ ал-калим» асарига бағишланган рисола У.Уватов томонидан нашр этилган[14]. Мазкур рисолада олимнинг ҳаёт йўли ва фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилади. Олимнинг асарлари мазмунига кўра қуйидаги 6 гуруҳга таснифланади: 1) диний илмлар ва уламолар ҳақида; 2) луғатшунослик; 3) грамматика (наҳв); 4) аруз; 5) адабиёт; 6) мантиқ[15]. У.Уватов Замахшарий ижодининг гултожи сифатида унинг ғоят кенг таниланган Қуръони каримга ёзилган машҳур тафсири – «Ал-Кашшоф» асарига алоҳида тўхталади. Бу китобда Шайх Муҳаммад Абу Заҳронинг Муҳаммад Замахшарийнинг ҳаёти ва фаолиятига боғлиқ мақоласи келтирилади. Китоб охирига Маҳмуд Замахшарийнинг «Навобиғ ал-калим» асаридан намуналар таржимаси илова қилинган.

Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим томонидан Замахшарийнинг юз мақолалик панд-насиҳатлар ва ҳикматли сўзларидан иборат «Атвоқ-уз-заҳаб фи-л-мавоъиз ва-л-хутаб» («Олтин шодалар») китоби таржима қилиниб чоп этилди[16]. Машҳур алломанинг неча йиллардан бери ижод аҳлини тўлқинлантириб келиши бежиз эмас. Хусусан, Маҳмуд Замахшарийнинг «Атвоқу-з-заҳаб» асари асосида юзага келган «Замахшар тасбеҳи ёки 101 манзума» тўплами Фозил Зоҳидовнинг «Олтин шодалар»дан таъсирланиб, ҳар битта ҳикматга ёзган шеърларини ўз ичига олганлиги ҳам фикримиз далилидир[17].

Маҳмуд Замахшарий, маълумки, назм ва наср билан ёзилган бадиий асарлар, шу билан бирга тилшунослик, адабиётшунослик, фалсафа, ислом

[12] Болтаев А.А. Аз-Замахшарийнинг ижтимоий-сиёсий қарашларӣ. Сиёс. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 2008.

[13] Ўша асар. 14 б.

[14] Уватов У. Хоразмлик буюк аллома. Маҳмуд Замахшарий: «Навобиғ ал-калим». – Т.: Янги аср авлоди, 2006.

[15] Ўша китоб. 26-б.

[16] Маҳмуд Замахшарий. Олтин шодалар. – Т.: EXTREMUM PRESS, 2010.

[17] Фозил Зоҳид. Замахшар тасбеҳи ёки 101 манзума. – Т.: Муҳаррир, 2011.

тарихи ва бошқа фанларга оид элликга яқин илмий асарлар муаллифи сифатида тилга олинади. Бу улкан маънавий мерос ичида «Дунё хазинасига тенг асар» саналмиш «Муқаддамату-л-адаб» (*Адаб илмига кириш*) асарининг алоҳида ўрни бор.

Ўзбекистонда «Муқаддамату-л-адаб» асарининг бевосита ўзига бағишланган тадқиқотлар ҳам амалга оширилган. Хусусан, М.Ю.Ҳакимжоновнинг номзодлик диссертациясида араб лексикографиясида мавзу усулида тузилган луғатлар ичида «Муқаддамату-л-адаб»нинг тутган ўрнини аниқлаш, луғатнинг лексикографик усуллари ҳамда арабча ва туркий сўзликларнинг грамматик ва лексик хусусиятлари қиёсий тадқиқ қилинган. Муаллиф ушбу тадқиқотида асарнинг «Исмлар» қисмини илмий муомалага киритаётганини, тадқиқот натижаси бўлган луғатни эса танқидий матн, деб қабул қилиниши зарурлигини таъкидлайди[18]. Уч бобдан иборат диссертациянинг биринчи бобида Замахшарийнинг ўрганилаётган луғати бошқа мавзу асосида тузилган таржимали луғатлар, хусусан, Майдонийнинг «ас-Сомий фи-л-асомий» луғати билан қиёсланади. Ишда мавзу принципи билан тузилган луғатлар илмий тадқиқотлар доирасига кирмаганлиги учун «Муқаддамату-л-адаб»нинг лексикографик принципларини ўрганиш араб лексикографиясининг шу турдаги луғатларнинг моҳият ва вазифаларини тушунишга имкон бериши, неча минг йиллик тажриба ҳозирги кунда турли-туман луғатларни тузиш учун амалий кўмак бериши қайд этилади. Асарнинг лексикографик таҳлили, Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» луғати «Ғарибу-л-Қуръон», «Муфраду-л-Қуръон», «Ғарибу-л-ҳадис» ва фиқҳ терминлар луғатининг табиий давоми бўлиши билан бирга, бу луғат араб лексикографиясида бутунлай янги ҳодиса бўлганлигини кўрсатади.

М.Ю.Ҳакимжоновнинг таъкидлашича, «Муқаддамату-л-адаб» асари аввал икки тилли – арабча-форсча бўлган, унинг туркий сўзлик қисми Алоуддавла Отсиз ҳукмронлиги даврида (1127–1156) Замахшарийнинг ўзи томонидан ёзилган[19]. Ишнинг учинчи бобида «Муқаддамату-л-адаб» «Исмлар» қисмининг арабий-туркий сўзлиги таҳлилга тортилган бўлиб, манба сифатида Тошкентда сақланаётган 202 ва 429-инвентар рақамли нусхалари жалб этилган.

Ўзбекистонда Замахшарийнинг тилга олинган асарини ўрганишга бағишланган ишлар орасида З.Исломовнинг илмий тадқиқотлари ва мақолалари алоҳида ўрин тутади. Олимнинг номзодлик ва докторлик диссертациялари «Муқаддамату-л-адаб» тадқиқига қаратилган бўлиб, бундан ташқари унинг мазкур асар тадқиқига оид 30га яқин мақолалари ҳам нашр этилган. Олимнинг номзодлик диссертациясида Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва ижоди, «Муқаддамату-л-адаб» асарининг тузилиши, луғатнинг Тошкент ва хориж нусхалари ҳақида маълумот берилади. Луғатдаги туркий феълларнинг морфологик таҳлили ва маъно хусусиятлари тадқиқ этилган[20]. Тилшунос «Муқаддамату-л-адаб»ни ўрганиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот бериб ўтар экан, асарнинг туркий сўзлик қатлами, уларнинг матни, туркий сўзлик матнларини қиёсий ўрганиш, сўзликни арабий асли билан қиёсий тадқиқ этиш, турли даврлар ва турли ҳудудларда китобат қилинган нусхаларини гуруҳларга ажратиб, улардаги туркий сўзлик қатламини ўрганиш каби илмий муаммолар ҳали умуман кўрилмаганлигини таъкидлайди[21]. Олимнинг докторлик диссертациясида шу сабабли дастлабки қадам сифатида Тошкент қўлёзма фондларида сақланаётган, XIII–XV асрларда кўчирилган, туркий сўзлик киритилган қўлёзмаларнинг арабий-туркий сўзлиги матнини қиёсий ўрганиш ва шу асосда «Муқаддамату-л-адаб»нинг йиғма илмий-танқидий матнини тузиш мақсад қилинади. Илмий иш икки қисм, биринчи қисм – тадқиқот қисми, иккинчи қисм – «Муқаддамату-л-адаб»нинг XI–XII асрларда китобат қилинган Тошкент қўлёзмалари асосида тузилган арабча-туркий феъллар сўзлигининг йиғма илмий-танқидий матнидан иборат. Диссертациянинг биринчи бобида тадқиқот объекти бўлган асарнинг тузилиши ҳақида маълумот берилади, иккинчи бобида асарнинг қўлёзма манбалари тавсифланади ва унинг жаҳон фондларида сақланаётган 70 та ноёб қўлёзма манбаси ҳақида маълумот келтирилади. Учинчи бобда

[18] Ҳакимжонов М.Ю. Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асаридаги арабча-туркийча сўзликнинг лексикографик таҳлили («Исмлар»): Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 1994. 4-б.

[19] Ўша китоб. 16 б.

[20] Исломов З. Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асаридаги туркий феъллар таҳлили Филол. фан. ном. ... дис. – Т., 1993.

[21] Исломов З. Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асарининг қўлёзма манбалари ва арабча ва арабча-туркий феъллар сўзлигининг йиғма илмий-танқидий матни (Тошкент қўлёзмалари асосида): Филол. фан. док. ... дис. автореф. – Т., 1998. С. 4.

«Муқаддамату-л-адаб» таркибидаги арабча-туркий феъллар сўзлиги йиғма илмий-танқидий матнининг таҳлили амалга оширилган[22]. З.Исломов шу ўринда кейинги йилларда манбашунослик ва матншунослик фани эришган ютуқларга асосланган ҳолда, «Муқаддамату-л-адаб»нинг йиғма илмий-танқидий матнини тузиш принципларини ишлаб чиққанлигини баён этади. Хусусан, ишда асарнинг арабий сўзлик илмий-танқидий матнининг илмий таҳлили матн мазмунига доир таҳлил, имловий фарқ ва сакталиклар таҳлили шаклида ўтказилади, асар туркий сўзлиги йиғма матнининг илмий таҳлилида беш усул, яъни матн мазмунига доир таҳлил, жумла тузилишига доир таҳлил, жумлаларнинг шаклан ифодаланишига доир таҳлил, имловий хусусиятлар таҳлили, имловий фарқлар таҳлили амалга оширилади[23]. Қиёслаш арабий сўзлик матнининг сезиларли ўзгаришга учрамаганлиги, фақатгина айрим сўз мақолалари тушиб қолганлиги, туркий сўзлик матнлари кўчирилиш ўрни ва даврига қараб ўзгаришларга учраганлигини кўрсатади. Иш натижасида «Муқаддамату-л-адаб» таркибига кирган арабча феъл мақолаларининг мукаммал матни яратилган.

«Муқаддамату-л-адаб» асарининг манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлилига оид тилшунос олим З.Исломовнинг қўлланмаси ҳам чоп этилган[24]. Ушбу қўлланма икки бобдан ташкил топган. Муаллиф Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот бергач, 1-бобда «Муқаддамату-л-адаб» асарининг тузилиши ва таркибий қисмларига тўхталади. Аҳамиятлиси шундаки, тилшунос асарнинг ҳар бир қисмига киритилган боблар ва фаслларга алоҳида эътибор қаратади, уларга киритилган сўзларнинг мавзуий гуруҳлари, миқдорини, шунингдек, бошланишидаги ва тугалланишидаги сўзларни қайд этиб ўтади. Қўлланманинг иккинчи боби «Муқаддамату-л-адаб»нинг Тошкент ва дунё мамлакатлари қўлёзма фондларида сақланаётган қўлёзма манбалари ҳақида маълумот беришга қаратилган. Олим жаҳон мамлакатлари, хусусан, Тошкентда «Муқаддамату-л-адаб» асарининг 70 нусхаси аниқланганлигини қайд этиб ўтади. Бу бобнинг биринчи фаслида асарнинг Тошкентда сақланаётган тўрт нусхаси (шартли равишда «А», «Б», «В», «Г» нусха, деб атайди) нинг кўчирилиш муддати, шарт-шароитлари, улардаги ўзига хосликларни баён этади. Иккинчи фаслида «Муқаддамату-л-адаб»нинг Россия Фанлар академияси Шарқшунослик фонди нусхалари, Махачкала, Тожикистон, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Британия, Франция, Германия, Марсигли фондларида сақланаётган нусхалари ҳақида маълумот берилади.

«Муқаддамату-л-адаб»га оид махсус тадқиқот натижаси бўлган ўқув қўлланма З.Исломов томонидан чоп этилган[25]. Мазкур қўлланмада тадқиқот объекти бўлган китоб ва унинг нусхалари ҳақида батафсил маълумот берилган. Хусусан, «Муқаддамату-л-адаб» асарининг таркиби, тузилиши, асарнинг ёзилиши ва нусхаларининг яратилиши ҳақидаги маълумотлар келтириб ўтилади. Бундан ташқари, тилшунос асар матнида энг кўп учраган ён – ўзагидан ясалган феълларни таҳлил этади, бу мақсадда асарнинг Тошкентда сақланаётган XIII–XIV асрларга оид тўрт қўлёзмасини бир-бирига қиёслаб, улар англатган маъно хусусиятларни атрофлича ёритади[26]. Олимнинг эътирофига қараганда, асардаги сўзликни илмий ўрганиш ва истефодага киритиш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади. Асарнинг нақадар муҳим манба эканлигини англаш учун биргина феълнинг англатган маъно хусусиятларини атрофлича ёритиш етарли[27]. Рисолада қайд этилишича, ён ўзагидан ясалган феъллар асарда 69 марта қўлланилган бўлиб, «қайтиб келмоқ, қайтиб тушмоқ, қайтмоқ», «оғмоқ», «қисқармоқ, кичраймоқ, қисқа бўлмоқ», «тузалмоқ, эс-ҳуши ўзига келмоқ, бирор камчиликдан холи бўлмоқ», «адашмоқ», «тоймоқ, четга чиқмоқ, озмоқ», «юз ўгирмоқ, тавба қилмоқ, сиғинмоқ», «ўгирилмоқ, ағдарилмоқ», «бузмоқ», «пайдо бўлмоқ» маъноларида қўлланган. Шу билан бирга, ён ўзагининг орттирма даражаси (ёндурди) феълининг ҳам «қайтармоқ, қайтариб олмоқ», «ҳайдамоқ, қайтариб олмоқ», «ҳайдамоқ, қувламоқ», «(бирор ишдан) қолдирмоқ, қайтишга рози қилмоқ», «тўнкармоқ, ағдармоқ», «так-

[22] Исломов З. Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асаридаги туркий феъллар таҳлили Филол. фан. ном. ... дис. – Т., 1993.

[23] Исломов З. Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асарининг қўлёзма манбалари арабча ва арабча-туркий феъллар сўзлигининг йиғма илмий-танқидий матни (Тошкент қўлёзмалари асосида). С. 23-25.

[24] Исломов З. Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асаридаги туркий феъллар таҳлили Филол. фан. ном. ... дис. – Т., 1993.

[25] Исломов З.М. Адаб илмининг дурдонаси. – Т.: ТИУ, 2002. 23 б.

[26] Ўша асар. – Б. 18-22.

[27] Ўша асар. – Б. 18.

рорламоқ» каби маъноларини англатиши мисоллар орқали далиллаб берилади.

Демак, «Муқаддамату-л-адаб»нинг Ўзбекистонда ўрганилиш ҳолатини таҳлил этиш мазкур асарнинг тил тарихига оид барча манбаларда қимматли асар сифатида эътироф этилишини кўрсатади. Шу билан бирга, Замахшарий ижодини ўрганишга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилаётган бўлса, уларнинг асосий қисми буюк мутафаккир олимнинг «Муқаддамату-л-адаб» асари тадқиқига бағишланганлигини кўрсатади. Ушбу асар тадқиқида юқори натижаларга эришилганлигига шубҳа йўқ. Шундай бўлишига қарамай, бу борада ўз ечимини топмаган масалалар ҳали кўп. Жумладан, «Муқаддамату-л-адаб»нинг туркий сўзликка киритилган энг қадимий Ёзгат-Хоразм қўлёзмаси манбашунослик, луғатшунослик, тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаган, мазкур нусханинг асарнинг мавжуд қўлёзмалари сирасидаги ўрни қиёсий ўрганилмаган, асардаги туркий сўзликнинг семантик хусусиятлари ва матний тадқиқи амалга оширилмаган.

Юқоридаги тадқиқотларда Хоразмда кўчирилган, китобат тарихи кўрсатилган асарнинг энг қадимий қўлёзмаси ҳақида айрим умумий маълумотларгина берилган. Лекин на хорижий, на ўзбек олимлари томонидан мазкур нусханинг ўзи ҳар томонлама илмий муомалага киритилган, айниқса арабий-туркий сўзлиги тадқиқ этилмаган. Юқорида кўриб ўтилганидек, баъзи олимлар томонидан луғатнинг сўзлик қисмидаги айрим сўз туркумларининг фақат баъзи кўринишларигина таҳлил этилган бўлиб, ушбу йўналишдаги иш тугалланмаган.